

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МАХМУДОВА ЛОЛА ИЗЗАТИЛЛОЕВНА**

**ТУРЛИ ТИПДАГИ ИЧАК ТАЪСИРЛАНИШ СИНДРОМИНИНГ  
МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР НОМУТАНОСИБЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАР  
ҲАЁТ СИФАТИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.05 - Ички касалликлар**

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**УРГАНЧ -2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Махмудова Лола Иззатиллоевна**

Турли типдаги ичак таъсирланиш синдромининг микроэлементлар номутаносиблиги бўлган беморлар ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш..... 3

**Махмудова Лола Иззатиллоевна**

Оценка влияния различных типов синдрома раздраженного кишечника на качество жизни больных с микроэлементным дисбалансом..... 23

**Makhmudova Lola Izzatilloevna**

Assessment of the influence of different types of irritable bowel syndrome on the quality of life of patients with microelement imbalance..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МАХМУДОВА ЛОЛА ИЗЗАТИЛЛОЕВНА**

**ТУРЛИ ТИПДАГИ ИЧАК ТАЪСИРЛАНИШ СИНДРОМИНИНГ  
МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР НОМУТАНОСИБЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАР  
ҲАЁТ СИФАТИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.05 - Ички касалликлар**

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**УРГАНЧ -2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Tib1405 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.urgfiltma.uz](http://www.urgfiltma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Абдуллаев Равшанбек Бабажонович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Каримов Мирвасит Мирвасикович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Нурбаев Фармон Эргашович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот**

**Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали ҳузуридаги PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «\_\_»\_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, Ал-Хоразмий кўчаси, 28-уй. Тел./факс: +99862 224-84-84.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, Ал-Хоразмий кўчаси, 28-уй. Тел./факс: +99862 224-84-84.)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Р.Ю. Рузибаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

**З.Ф. Джуманиязова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**О.О. Жаббаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда ичак таъсирланиш синдроми энг кўп ташхис қўйиладиган ошқозон-ичак тракти касаллиги бўлиб, гастроэнтерология клиникаларига мурожаат қилишнинг энг тарқалган сабаби ҳисобланади. Ичак таъсирланиш синдроми тарқалиши «...2012 йилда нашр этилган мета-таҳлилда қатъий танлов мезонларига кўра, умумий сони 260 960 беморни ташкил этган 80 та клиник синовларни ўз ичига олган ҳолда 11,2% ни ташкил этган. Беморларнинг 12-15% шифокорга мурожаат қилади. Жануби-Шарқий Осиёда унинг тарқалиши 7%, Европада 20%, Жанубий Америкада 21% ни ташкил этади. Ихтисослашган касалхоналарда ҳазм тизими касалликлари, шу жумладан ичак таъсирланиш синдроми билан касалланганлар сони 41-45% га этади, аёллар орасида ИТС билан касалланиш эркакларга нисбатан юқори фоизларни ташкил этиб келмоқда...»<sup>1</sup>. Шу сабабли, касалликнинг тиббий ва ижтимоий аҳамияти нафақат кенг тарқалганлиги, балки касалликнинг ҳаёт сифатига таъсирининг юқорилиги туфайли иқтисодий зарар билан белгиланадиган тиббиётдаги ечими топилиши зарур бўлган жиддий муаммо ҳисобланади.

Дунёда ИТСнинг патогенетик ривожланиш хусусиятларини ўрганиш ва даволаш-профилактика тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу изланишлар ушбу касаллик келиб чиқиши билан мойиллик қилувчи омилларнинг боғлиқлигини, турли хавф омилларининг касаллик клиник кечишига, беморларнинг руҳий-ҳиссий хусусиятлари ва ҳаёт сифатига таъсирини баҳолашдан иборат. Ушбу паталогияда организмдаги кимёвий элементлар мувозанатини ўрганиш, даволаш усулларини такомиллаштириш мақсадида клиник белгиларга асосланган ҳолда касалликнинг клиник оғирлик даражасини аниқловчи мезонлар ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилган янги ёндашувни асослаш ҳамда шу касалликдан келиб чиқадиган асоратларнинг олдини олиш чораларни белгилаш зарурлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда тиббий хизматларни яхшилаш мақсадида аҳоли орасида учрайдиган гастроэнтерологик касалликларни эрта аниқлаш, тарқалишини камайтириш, самарали даволаш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. Шу жумладан, соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни

<sup>1</sup> Lovell RM, Ford AC. Global prevalence of and risk factors for irritable bowel syndrome: a meta-analysis. Clin Gastroenterol Hepatol 2012; 10: 712–21.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони

амалга ошириш, гастроэнтерологик беморларда келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни камайтиришга қаратилган профилактик чора – тадбирларни ишлаб чиқиш, замон талабларига жавоб берадиган технологияларни қўллашни такомиллаштириш, асосий касаллик кечишини олдиндан аниқлаш сифатини яхшилаш, беморларнинг яшовчанлиги ва соғайиши, организмдаги микроэлементлар ҳолатига баҳо бериш ичак таъсирланиш синдроми билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ичак таъсирланиш синдроми патогенези мураккаб (Ford A.C., et al., 2014). Тиббиёт ходимларининг диққатини тез тез шифокорга мурожаат қиладиган, инвазив текширувларга берилувчан ва "қийин беморлар" тоифасига кирадиган "ИТС-беморлар"и жалб қилади (Canavan C., et al., 2014). Ҳозирги кунда рефрактерлик тушунчасини ИТС белгиларининг 6 ойдан ортиқ бўлган доимий аломатлар ёки йилида 32 ҳафта давомида сақланиши изоҳлайди. "ИТС-беморлар" атамаси беморларнинг ушбу тоифасини тавсифлайди. ИТСнинг кечишида ижтимоий омиллар ва ҳамроҳ касалликларнинг борлиги муҳим ўрин тутди (Sperber A.D., et al., 2014; Stanghellini V., et al., 2016; Galvez-Sanchez C. M., et al., 2019). ИТСда ижтимоий омилларни қабул қилишнинг ўзгариши ва психологик ҳолатнинг ўзига хос хусусиятлари тасвирланган (Hausteiner-Wiehle C., et al., 2014; Thakur E.R., et al., 2015).

"Рим IV" консенсусининг сўнгги қайта кўриб чиқилиши (2016) ИТС учун вақт мезонини ва диагностик мезонларини аниқлади - охириги 3 ой ичида ҳафтада камида бир марта қорин бўшлиғидаги такрорий оғриқлар, 2 ёки ундан ортиқ белгилар/омиллар билан боғлиқ: ҳожатга чиқиш; ҳожатга чиқиш сонининг ўзгариши; нажас шаклининг ўзгариши. Бундан ташқари, анамнез маълумотларини сўнгги 6 ой ёки ундан кўпроқ вақт ичида, мунтазам клиник текширув пайтида аниқ анатомик ва физиологик чекланишлар бўлмаган тақдирда қайд этиш лозим (Мартынов, А.И., 2010; Шептулин А.А., Визе-Хрипунова М.А., 2016).

ИТС билан оғриган беморларни даволаш касалликни келтириб чиқарувчи омиллари ва ривожланиш механизмлари индивидуал бўлганлиги сабабли қийинчилик туғдиради. ИТС учун муҳим хавф омиллари куйидагилардир: аёл жинси (хавф 4 баравар юқори); ёш (30-40 ёшгача); яшаш жойи (мегаполислар); таълим (олий, гуманитар); касбий мансублик (ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ишчилар ва маданият ходимлари); ижтимоий муҳит (тўла қонли оила бўлмаганлар, болалар уйлари); ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг паст даражаси (Ивашкин В.Т. ва ҳаммул., 2017).

Сўнгги йиллардаги кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатадики, болаларда учрайдиган касалликлар орасида ҳазм тизими касалликлари кўпроқ фоизни ташкил этади, улар орасида ҳазм тизими юқори қисмлари яллиғланиш касалликлари етакчи ўринни эгаллайди: сурункали гастрит, гастродуоденит. Бундан ташқари, ошқозон-ичак трактининг шиллиқ қаватида яллиғланиш бўлган болалар ва ўспиринларда қон зардобининг кимёвий элементлар таркибини ўрганиш, аксарият ҳолларда антиоксидант хусусиятларга эга элементлар этишмаслигини кўрсатди: селен (Se), рух (Zn) йод (I) (Шагиахметова Л.В., 2009). Кимёвий элементар ҳолатига баҳо бериш учун ўрганилаётган нутриент юқори миқдорда қайси тўқимада тўпланиши ва қайси шаклда топилганлиги ҳақида маълумотга эга бўлиш керак, чунки кимёвий муҳим элементларнинг тўпланиши уларнинг биокимёвий вазифалари билан узвий боғлиқ (Гресь Н.А. ва ва ҳаммул., 2013).

Шундай қилиб, юртимизда олиб борилаётган ишлар аҳоли орасида хавф омиллари ва ичак таъсирланиш синдроми шаклланишининг асосий этиопатогенетик механизмларини ўрганишни тақозо этади, ҳамда уларнинг кенг тарқалиши ва жиддий рухий-ҳиссий бузилишлар сабабли алоҳида аҳамиятга эга. Адабиётлардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда организмдаги кимёвий элементлар ҳолати ҳақида фикр юритиш учун сочлардаги - Se, Ca, Mg, Si, Na, Fe, Mn, Cr, Zn ва бошқа бир қатор муҳим элементларни ўрганишдан иборат.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (03.2019. PhD 079-сон) «Бухоро худуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017–2021) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** микроэлементлар номуносивлиги мавжуд бўлган ичак таъсирланиш синдромида касалликнинг клиник кечиши, беморлар рухий-ҳиссий ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ичак таъсирланиш синдроми билан беморларнинг клиник-анамнестик хусусиятларидаги худудий фарқларини аниқлаш;

ичак таъсирланиш синдроми кечиш оғирлигини белгиловчи клиник-анамнестик баҳолаш тизими ишлаб чиқиш;

ичак таъсирланиш синдроми билан беморларда организмдаги ҳаётий зарур ва токсик кимёвий элементлар мувозанати ўзгаришларини асослаш;

микроэлементлар номуносаблиги мавжуд ва мавжуд бўлмаган беморларда касалликнинг оғирлик даражасини, рухий-ҳиссий хусусиятларини ва ҳаёт сифати ўзгаришларини аниқлаш;

микроэлементлар номуносаблиги мавжуд бўлган беморларда стандарт ва коррекцияловчи даволашнинг ҳаёт сифатига таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 2017-2019 йилларда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази гастроэнтерология бўлимида стационар даволаниш курсини ўтган ичак таъсирланиш синдроми билан касалланган 82 нафар бемор таҳлил натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморларнинг капилляр қони, венос қони ва зардоби, нажас ва соч толаси олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотни бажаришда умумий клиник, биокимёвий, микроэлемент (гамма-спектрометрия), инструментал (ЭГДФС, колоноскопия), сўровномалар (Цунг тести, GSRS ва MOS SF-36, Мориски-Гринь, КАШ сўровномалари) усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагидан иборат:

ичак таъсирланиш синдромида мойиллик қилувчи омиллардан ижтимоий омилларнинг устунлиги билан ажралиб турувчи ҳудудий фарқлар асосланган;

илк маротаба ичак таъсирланиш синдроми кечиш оғирлигини белгиловчи клиник-анамнестик мезонлар ва баҳолаш тизими ишлаб чиқилган;

ичак таъсирланиш синдроми бўлган беморлар организмда ҳаётий зарур элементлардан Са, Mg, Fe, Zn, Cu, I, Mn, Со танқислиги ва P, Se миқдори ошиши билан тавсифланадиган номуносаблик ривожланиши исботланган;

ичак таъсирланиш синдромининг кечиш оғирлиги, бемор ҳаёт сифати рухий ва жисмоний кўрсаткичларининг намоён бўлиши организмдаги ҳаётий зарур ҳамда токсик микроэлементлар номуносаблик даражасига мос равишда ўзгариши асосланган;

микроэлементлар номуносаблиги билан кечувчи ичак таъсирланиш синдроми бўлган беморларда коррекцияловчи терапияни қўллаганда даво самардорлиги ошиши ва ҳаёт сифати яхшиланиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ичак таъсирланиш синдромида касалликнинг оғирлик даражаси, рухий-ҳиссий хусусиятлар ва ҳаёт сифатини баҳолаш учун микроэлементларни аниқлашнинг тизимли диагностикасидан фойдаланиш тавсия этилган;

микроэлемент номуносаблиги мавжуд ичак таъсирланиш синдроми билан беморларда даво самардорлигини ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида коррекцияловчи даволашдан фойдаланиш тавсия этилган;

ичак таъсирланиш синдромида ишлаб чиқилган клиник-анамнестик мезонлар ва баҳолаш тизими касалликнинг оғирлик даражасини аниқлаш учун ишончли мезон бўлиб хизмат қилиши асосланган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий ёндашувлар ва усулларни тадқиқотда қўллашнинг тўғрилиги, текширувларнинг аниқлиги, ичак таъсирланиш синдроми билан касалланган беморларнинг етарли танлов ҳажми, клиник-анамнестик, биокимёвий, инструментал маълумотлардан олинган рақамли маълумотларга асосланган замонавий статистик усуллардан фойдаланиш, халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар, шунингдек назарий ва амалий тадқиқотларнинг етарлилиги ва амалий бажарилишидан олинган натижалар билан таққослаш ва оқилона баҳолаш орқали асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ичак таъсирланиш синдромида мойиллик қилувчи омилларни ҳудудий хусусиятларини баҳолаш, касалликнинг оғирлик даражасини аниқлаш учун клиник-анамнестик мезонлар ва баҳолаш тизимини жорий қилиш, микроэлементлар номутаносиблиги мавжуд беморларда руҳий-ҳиссий хусусиятлар ва ҳаёт сифати ўзгаришларининг мос келиши ҳамда коррекцияловчи даволаш самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ичак таъсирланиш синдромида касалликнинг оғирлик даражаси, руҳий-ҳиссий хусусиятлар ва ҳаёт сифатини баҳолаш учун микроэлементларни аниқлашнинг тизимли диагностикаси, микроэлемент номутаносиблиги мавжуд ичак таъсирланиш синдроми билан беморларда ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида коррекцияловчи даволашдан фойдаланиш, ичак таъсирланиш синдромида ишлаб чиқилган клиник-анамнестик мезонлар ва баҳолаш тизими касалликни оғирлик даражасини аниқлаш учун ишончли мезон сифатида ишлатилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ичак таъсирланиш синдромида организмдаги кимёвий элементларнинг тизимли диагностикасини ўтказиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ичак таъсирланиш синдромида минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳаёт сифати ўзгаришларини эрта ташхислаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ичак таъсирланиш синдроми турли шаклларида беморларнинг клиник-психологик ҳолати ва ҳаёт сифатини ташхислашнинг янги усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 18 майдаги 8н-д/161-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ичак таъсирланиш синдромида беморларнинг руҳий-ҳиссий ҳолати ва ҳаёт сифати бузилишларини эрта ташхислаш ҳамда уларни олдини олиш имконини берган;

ичак таъсирланиш синдромида организмдаги кимёвий элеменлар мувозанати бузилишларини эрта ташхислаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ичак таъсирланиш синдроми турли шаклларида кимёвий элементлар мувозанати бузилишини ташхислашнинг янги усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 18 майдаги 8н-д/161-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома ичак таъсирланиш синдромида беморлардаги

микроэлементлар номуносивблигини эрта босқичларида аниқлаш имконини берган;

Ичак таъсирланиш синдромида беморларнинг рухий-ҳиссий ҳолати ва ҳаёт сифати ҳамда микроэлементлар мувозанати бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали, Жондор туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси, Шофиркон туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро шаҳар 9- ва 3- сон оилавий поликлиникалар амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 августдаги 08-09/9726-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этиш диагностика сифатини оширишга, касалликнинг ривожланиш хавфини ва оғирлигини башорат қилишга, касалхонада бўлиш муддатини қисқартиришга ва шу билан беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, улардан 3 таси халқаро, 1 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 120 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотларнинг республикада илм ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ифодаланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти яққол ёритилган. Тадқиқотдан олинган натижаларни соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ қилиш бўйича маълумотлар келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Ичак таъсирланиш синдроми келиб чиқиш механизмлари, рухий-ҳиссий хусусиятлари, ҳаёт сифати ва микроэлементлар ҳолатига замонавий қарашлар**» адабиётлар таҳлили тақдим этилган: ичак таъсирланиш синдромининг (ИТС) таснифи ва диагностикаси, клиник ва патогенетик жиҳатлари тўғрисида замонавий маълумотлар назарий жиҳатлари таҳлил қилинди ва ИТСда организмдаги кимёвий элементлар тизимли диагностикасини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган. Ўрганилаётган муаммо бўйича адабиёт

маълумотлари асосида батафсил ўрганишни талаб қиладиган бир қатор масалалар аниқлаштирилган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзуни янада ўрганиш зарурлиги асосланган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Ичак таъсирланиш синдромида организмдаги микроэлементлар ҳолати, беморлар рухий-ҳиссий хусусиятлари ва ҳаёт сифатини баҳолаш усуллари**» клиник материалнинг умумий тавсифи, лаборатория ва инструментал тадқиқот усуллари ўз ичига олган маълумотлар келтирилган. Диссертация асосига 2017-2019 йилларда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази гастроэнтерология бўлимида стационар даволаниш курсидан ўтган ИТС билан касалланган 82 беморни клиник текширишлари киритилган бўлиб, назорат гуруҳи жинси ва ёши жиҳатидан асосий гуруҳга мос келадиган, анамнезида ошқозон-ичак тизими касалликлари бўлмаган ва колоноскопия пайтида йўғон ичак шиллик қавати ўзгаришсиз сифатида баҳоланган 20 нафар кўнгилли кишилардан ташкил топган.

Беморларнинг жинси ва ёшини ҳисобга олган ҳолда тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган. Тақдим этилган материалдан кўришиб турибдики, беморларнинг ёш даражаси 18 дан 45 ёшгача бўлган. ИТС билан оғриган беморлар икки гуруҳга бўлинди: ИТСнинг норефрактер (ИТСн – 35 бемор) ва рефрактер (ИТСр – 47 бемор) кечиши. Клиник аломатларнинг ифодаланганлигига қараб беморлар ИТСн-д (диарея) – 21 нафар (25,6%), ИТСн-қ (қабзият) – 14 нафар (17%), ИТСр-д – 28 нафар (34,2%) ва ИТСр-қ – 19 нафар (13,2%)га ажратилган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Ичак таъсирланиш синдроми билан оғриган беморларнинг жинс ва ёшга қараб тақсимланиши

| Текширилувчи гуруҳлар            | Жинс  |      |     |      | Ўртача ёш   | Касаллик давомийлиги (йил) |
|----------------------------------|-------|------|-----|------|-------------|----------------------------|
|                                  | Эркак |      | Аёл |      |             |                            |
|                                  | n     | %    | n   | %    |             |                            |
| ИТСн-д (n = 21)                  | 11    | 52,4 | 10  | 47,6 | 30,8 ± 1,6  | 3,4 ± 0,4                  |
| ИТСн-қ(n = 14)                   | 6     | 42,9 | 8   | 57,1 | 30,9 ± 2,3  | 5,5 ± 0,7                  |
| ИТСр-д (n = 28)                  | 15    | 53,6 | 13  | 46,4 | 34,6 ± 1,3* | 4,1 ± 0,3                  |
| ИТСр-қ(n = 19)                   | 9     | 47,4 | 10  | 52,6 | 35,0 ± 1,9* | 5,6 ± 0,4                  |
| Назорат гуруҳи (соғлом) (n = 20) | 12    | 60,0 | 8   | 40,0 | 29,3 ± 1,03 |                            |

Изоҳ: ИТСн-д - диарея устунлиги билан билан кечувчи норефрактер ИТС; ИТСн-қ - қабзият устунлиги билан билан кечувчи норефрактер ИТС; ИТСр-д - диарея устунлиги билан билан кечувчи рефрактер ИТС; ИТСр-қ - қабзият устунлиги билан билан кечувчи рефрактер ИТС (\*-p<0,05).

Беморларни текшириш умумий кўрув, шикоятларни баҳолашни, анамнезга оид маълумотларни тўплаш ва ИТС ривожланиш хавф омилларини аниқлашни ўз ичига олган. Барча ўлчовлар бир хонада, куннинг бир вақтида амалга оширилди. Барча беморлар умумий клиник ва биокимёвий лаборатор текширувларнинг стандарт тўпламидан ўтдилар: умумий қон текшируви,

умумий сийдик текшируви, копрологик таҳлил, ахлатни дисбактериозга текшириш, биокимёвий қон текшируви (билирубин, аланин аминотрансфераза, аспартат аминотрансфераза). Шу билан бир қаторда, барча беморлардан организмдаги кимёвий элементлар тизимли диагностикаси учун соч намуналари олинди. ЭГДФС, колоноскопия текшириш усуллари ўтказилган.

Кимёвий элементларнинг тизимли диагностикаси Canberra Industries Inc., (АҚШ) аппаратида ўтказилди. ЭГДФС «FUGINON. FUGI FILM EPX-2500» (Япония) фирмасининг FUGI FILM-EG-530PF эндоскопик ускунаси ёрдамида амалга оширилган. Колоноскопия «FUGI FILM-EG-530FL» (Япония) колоноскоплари ва улар учун асбоблар тўплами ёрдамида амалга оширилган. Ахлатни дисбактериозга текшириш “Беморларни бошқариш протоколи, ичак дисбактериози”, ЎзР ССВ 25.12.2017 №777 буйруғи билан тасдиқланган 202-гиббий ҳужжат шаклида белгиланди. Бундан ташқари Мориски-Грин сўровномаси, Цунг тушкунлик тести, MOS SF-36 ва GSRS сўровномалари, кўрув аналог шкаласи (КАШ)дан фойдаланилган. Тадқиқот натижалари Windows XP учун SPSSv.15.0 (2007) ва MSExcel дастурий таъминот тўплами ёрдамида статистик ишловдан ўтказилган.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Шахсий изланишлар натижалари. Ичак таъсирлашиш синдроми турли типиди беморларнинг клиник-анамнестик, рухий-ҳиссий хусусиятлари, микроэлемент ҳолати ва ҳаёт сифати хусусиятлари»** баён қилинган. ИТСда мойиллик қилувчи омилларнинг ҳудудий фарқлари, касалликнинг клиник кечиш оғирлиги, ичак микрофлораси ўзгаришлари, тушкунлик даражаси ва ҳаёт сифати кўрсаткичлари келтирилган. Беморларнинг ўртача ёши  $33,2 \pm 0,8$  ёшни, назорат гуруҳидагилар эса  $29,3 \pm 1,02$  ёшни ташкил этган.

Касалликнинг норефрактер тури (ИТСн) 35 нафар (42,6%) беморда кузатилган. Улардан 21 нафари (60%) диарея устунлиги билан (ИТСн-д): шу жумладан, 11 нафари эркак (52,4%) ва 10 нафари аёл (47,6%). 14 нафар (40%) беморларда қабзият устунлиги билан (ИТСн-қ): шу жумладан, 6 нафари эркак (42,8%) ва 8 нафари аёл (57,2%). Беморларнинг ёши 18 ёшдан 45 ёшгача, ўртача  $30,82 \pm 1,31$  ёшни ташкил этган.

Касалликнинг рефрактер тури (ИТСр) 47 нафар (57,4%) беморда кузатилган. Улардан 28 нафари (59,6%) диарея устунлиги билан (ИТСр-д): шу жумладан, 15 нафари эркак (53,6%) ва 13 нафари аёл (46,4%). 19 нафар (40,4%) беморда қабзият устунлиги (ИТСр-қ) бўлган ИТС ташхиси қўйилган: шу жумладан, 9 нафари эркак (47,4%) ва 10 нафари аёл (52,6%). Беморларнинг ёши ўртача  $34,95 \pm 1,04$  ёшни ташкил этган.

ИТСнинг бошланиш ёши тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

ИТСнинг норефрактер турида касаллик бошланиш ёши  $24,14 \pm 0,54$  ёш: ИТСн-д билан -  $21,9 \pm 0,3$  ёш, ИТСн-қ билан -  $27,6 \pm 0,5$ . Касалликнинг кечки бошланиши ИТС умумий беморларига нисбатан ИТСн-қ билан аёлларда ( $28,6 \pm 0,5$ ) қайд этилган ( $p < 0,05$ ).

**2-жадвал**

**Ичак таъсирланиш синдроми турли типда касаллик бошланиш ёши**

| Кўрсаткич              | Жинс                         | ИТСн-д<br>(n =21) | ИТСн-қ<br>(n=14) | ИТСр-д<br>(n = 28) | ИТСр-қ<br>(n=19) |
|------------------------|------------------------------|-------------------|------------------|--------------------|------------------|
| 1                      | 2                            | 3                 | 4                | 5                  | 6                |
| Ўртача дебют ёш<br>M±m | эркаклар                     | 21,2 ± 0,4        | 26,2 ± 0,6       | 19,3 ± 0.3*        | 24,0 ± 0,2       |
|                        | аёллар                       | 22,0 ± 0,4        | 28,6 ± 0,5       | 24,2 ± 0.3         | 20,1 ± 0,3*      |
|                        | Жинсга боғлиқ бўлмаган ҳолда | 21,9 ± 0,3        | 27,6 ± 0,5*      | 21,6 ± 0.5         | 21,9 ± 0,5       |

Изоҳ: Изоҳ: ИТСн-д – норефрактер ИТСнинг диарея билан кечувчи тури; ИТСн-қ - норефрактер ИТСнинг қабзият билан кечувчи тури; ИТСр-д - рефрактер ИТСнинг диарея билан кечувчи тури; ИТСр-қ - рефрактер ИТСнинг қабзият билан кечувчи тури; \* ИТС билан оғриган барча беморларда ўртача дебют ёши кўрсаткичлари орасидаги фарқ (p<0,05).

ИТСнинг рефрактер турида касаллик бошланиш ёши 21,6±0,5 ёшни ташкил этиб, бу касалликнинг норефрактер турига қараганда анча паст (p <0,05). Эркакларда ИТСр-д (19,3±0,3), аёлларда эса ИТСр-қ (20,1±0,3) эрта бошланганлиги аниқланган.

ИТС клиник аломатларининг оғирлигига қараб ва балли тизим натижаларини умумлаштирилган ҳолда касалликнинг кечиши 3-жадвалда изоҳланган.

**3-жадвал**

**Турли типдаги ичак таъсирланиш синдроми кўзиш даврида касалликнинг клиник белгилари**

| Клиник аломатлар               | ИТС кечиш типлари               |                                  |                                  |                                  |
|--------------------------------|---------------------------------|----------------------------------|----------------------------------|----------------------------------|
|                                | ИТСн-д<br>(n =21)<br>ан.сон (%) | ИТСн-қ<br>(n = 14)<br>ан.сон (%) | ИТСр-д<br>(n = 28)<br>ан.сон (%) | ИТСр-қ<br>(n = 19)<br>ан.сон (%) |
| Абдоминал оғриқ                | 21 (100)                        | 14 (100)                         | 28 (100)                         | 19 (100)                         |
| Диарея                         | 21 (100)                        | 0 (0)                            | 28 (100)                         | 0 (0)                            |
| Қабзият                        | 0 (0)                           | 14 (100)                         | 0 (0)                            | 19 (100)                         |
| Қорин дам бўлиши               | 15 (71,4)                       | 9 (64,2)                         | 11 (39,3)                        | 15 (78,9)                        |
| Ичак тўла бўшамаганлик ҳисси   | 8 (38,2)                        | 11 (78,5)                        | 13 (46,4)                        | 16 (84,2)                        |
| Ёлғон чақириқлар               | 8 (38,2)                        | 2 (14,2)                         | 12 (42,8)                        | 9 (47,4)                         |
| Шиллиқ ажралиши                | 9 (42,8)                        | 3 (21,4)                         | 17 (60,7)                        | 10 (52,6)                        |
| Дефекация вақтида узок кучаниш | 9 (42,8)                        | 7 (50)                           | 9 (32,1)                         | 13 (68,4)                        |

| Ҳожатга чиқишлар сони        |                          |                   |                          |                         |
|------------------------------|--------------------------|-------------------|--------------------------|-------------------------|
| Суткада 1-4 марта            | 12<br>(57,1%±11,1)<br>)* | 0 (0)             | 6<br>(21,4%±7,9)<br>* #  | 0 (0)                   |
| Суткада 5 ва ундан кўп марта | 9<br>(42,9%±11,1)<br>)*  | 0 (0)             | 22<br>(78,6%±7,9)<br>* # | 0 (0)                   |
| 3-4 кунда 1 марта            | 0 (0)                    | 8<br>(57,1%±13,7) | 0 (0)                    | 6<br>(31,6%±11,0)       |
| 5-7 кунда 1 марта            | 0 (0)                    | 6<br>(42,9%±13,7) | 0 (0)                    | 13<br>(68,4%±11,0)<br># |
| ИТС клиник кечиш оғирлиги    |                          |                   |                          |                         |
| Енгил                        | 10 (47,6)                | 9 (64,3)          | 6 (21,4)                 | 4 (21,1)                |
| Ўрта                         | 8 (38,2)                 | 5 (35,7)          | 9 (32,2)                 | 6 (31,6)                |
| Оғир                         | 3 (14,2)                 | 0 (0)             | 13 (46,4)                | 9 (47,3)                |

Изоҳ: ИТСн-д – норефрактер ИТСнинг диарея билан кечувчи тури; ИТСн-к - норефрактер ИТСнинг кабзият билан кечувчи тури; ИТСр-д - рефрактер ИТСнинг диарея билан кечувчи тури; ИТСр-к - рефрактер ИТСнинг кабзият билан кечувчи тури; \*-норефрактер беморлар гуруҳи кўрсаткичлари орасидаги фарқ ( $p < 0,05$ ); #-рефрактер беморлар гуруҳи кўрсаткичлари орасидаги фарқ ( $p < 0,05$ ).


«Ичак» аломатлари ИТСнинг рефрактер турида норефрактер турига нисбатан яққолроқ намоён бўлган: ИТСр-д билан беморларда ҳожатга чиқишлар сони суткасига 5 марта ва ундан кўп ( $p=0,0011$ ), асосан эрталаб шиллиқ аралаш билан кузатилиб, тез-тез ёлғон чақириклар ( $p=0,0341$ ) ва ичакнинг тўлиқ бўшамаганлик ҳисси ( $p=0,0314$ ) ҳам учраганлиги аниқланган.

Кўпгина ИТСр-к билан оғриган беморларнинг аксарияти 5-7 кунгача ич қотиши ( $p=0,0001$ ), нажас билан шиллиқ ажралиши ( $p=0,0087$ )дан шикоят қилдилар. Ёлғон чақириклар ( $p=0,0007$ ) ва ичакнинг тўла бўшамаганлик ҳисси ( $p=0,0263$ ) ИТСнинг норефрактер турига нисбатан кўпроқ кузатилган.

Касалликнинг клиник кечиш оғирлиги бўйича норефрактер ва рефрактер турлар солиштирилганда ИТСр-д (46,4%) ва ИТСр-к (47,3%) беморларда оғир кечиш ҳолати қайд этилган.

1-расмда ИТС типига қараб КАШ бўйича қорин оғриғи синдромининг интенсивлиги график тарзда изоҳланган.

Рефрактер ИТСда қорин оғриғининг КАШ кўрсаткичи ўртача оғрик синдроми сифатида баҳоланди ва норефрактер ИТСга қараганда анча юқори кўрсаткични кўрсатган ( $3,6 \pm 0,2$  балл,  $p=0,0001$ ). ИТСр-д ( $5,7 \pm 0,3$ )да қорин оғриғининг интенсивлиги ИТСр-к ( $6,0 \pm 0,4$ ,  $p=0,0001$ )га қараганда паст натижаларни эгаллаган.



**1-расм. ИТС кечиш типига қараб қорин оғриғи синдроми интенсивлиги**

Цунг шкаласи бўйича сўров маълумотлари умумлаштирилганда диарея устунлиги билан кечган норефрактер ИТС бор беморларнинг 20% да (50 баллдан кам) депрессия кузатилмаган, 37,1% ҳолатдада энгил депрессия (50-59 балл), 42,9% ҳолатда ўртача депрессия (60-69 балл) кузатилган (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Ичак таъсирланиш синдроми мавжуд беморларда тушқунлик ривожланганлик даражаси**

| ИТС типлари            | Депрессия йўқ |             |             | Энгил даражадаги депрессия |             |             | Ўрта даражадаги депрессия |             |             |
|------------------------|---------------|-------------|-------------|----------------------------|-------------|-------------|---------------------------|-------------|-------------|
|                        | Ан. сон       | (%)         | ўр.балл М±m | Ан. сон                    | (%)         | ўр.балл М±m | Ан. сон                   | (%)         | ўр.балл М±m |
| ИТСн-д<br>n=21         | 4             | 19#         | 45,5±1,4    | 8                          | 38,1*       | 53,5±0,6    | 9                         | 42,9#       | 61,7±0,5    |
| ИТСн-к<br>n=14         | 3             | 21,4#*      | 47,7±0,9    | 5                          | 35,7        | 53,0±1,1    | 6                         | 42,9#       | 62,1±0,7    |
| ИТСр-д<br>n=28         | 4             | 14,3#       | 44,5±2,1    | 13                         | 46,4#<br>** | 54,2±0,8    | 11                        | 39,3#       | 62,5±0,5    |
| ИТСр-к<br>n=19         | 5             | 26,3#<br>** | 47,4±0,7    | 6                          | 31,6        | 53,6±0,8    | 8                         | 42,1#<br>** | 63,9±0,8    |
| Назорат гуруҳи<br>n=20 | 13            | 65          | 41,3±1,3    | 7                          | 35          | 53,7±0,7    | 0                         | 0           | 0           |

Изоҳ: ИТСн-д – норефрактер ИТСнинг диарея билан кечувчи тури; ИТСн-к - норефрактер ИТСнинг қабзият билан кечувчи тури; ИТСр-д - рефрактер ИТСнинг диарея билан кечувчи тури; ИТСр-к - рефрактер ИТСнинг қабзият билан кечувчи тури; # - назорат гуруҳи кўрсаткичлари орасидаги фарқ (p < 0,05); \* - норефрактер беморлар гуруҳи кўрсаткичлари орасидаги фарқ (p < 0,05); \*\* - рефрактер беморлар гуруҳи кўрсаткичлари орасидаги фарқ (p < 0,05).

Рефрактер ИТС бор беморларнинг 19,2% да (50 баллдан кам) депрессия кузатилмаган, 40,4% ҳолатдада энгил депрессия (50-59 балл), 40,4% ҳолатда ўртача депрессия (60-69 балл) аниқланган.

Микроэлементлар мувозанатини аниқлаш мақсадида беморларни иккита кичик гуруҳга ажратдик: микроэлементлар номуносивблиги мавжуд ва мавжуд бўлмаган беморлар (5-жадвал).

### 5-жадвал

#### Микроэлементлар номуносивблиги билан кечувчи ичак таъсирланиш синдроми ва назорат гуруҳи сочларидаги кимёвий элементлар миқдорий таркиби (мкг/г)

| №   | Элемент  | ИТСн<br>n=15, M±m | ИТСр<br>n=19, M±m | Назорат гуруҳи<br>n=20, M±m |
|---|----------|-------------------|-------------------|-----------------------------|
